



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 72 (13.405)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ХУСУСИЙ СЕКТОРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантиришга ҳар томонлама қўмаклашишни кучайтириш, хусусий тиббиёт муассасаларининг аҳолига юқори технологияли сифатли тиббий хизматлар кўрсатиши учун зарур шароитлар яратиш, хусусий тиббиёт соҳасига хориждан инвестициялар ва юқори малакали мутахассислар жалб этишни кенгайтириш, шунингдек, тиббий туризм ва тиббий хизматлар экспортини ривожлантириш мақсадида:

1. Куйидагилар соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантиришнинг асосий йўналиш ва вазифалари этиб белгилансин:

мамлакатимизнинг барча ҳудудларида хусусий тиббиёт муассасалари тармоғи фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтириш учун қўлай шароитлар яратиш, уларнинг фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторнинг барқарор ривожланишига тўқинлик қилаётган масалаларни тизимли ҳал этиш;

хусусий тиббиёт муассасаларининг ташхис қўйиш ва даволаш бўйича замонавий юқори технологияли усулларни кенг қўллаган ҳолда, кенг аҳоли қатламлари, жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилган хизматлар қўламини ва турларини кенгайтиришни ҳар томонлама рағбатлантириш;

хусусий тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий тиббиёт ускуналари, маҳсус инвентар ва асбоблар билан жиҳозлаш, тиббиёт ихтисосликлари турига мос келадиган ва санитария норма ҳамда қондалари талабларига жавоб берадиган бино ва хоналар билан таъминлаш;

қўлай кредит ва лизинг механизмларини фаол жалб этиш орқали хусусий тиббиёт муассасаларини молиявий қўллаб-қувватлаш қўламини ва ҳажмини тубдан ошириш, хусусий тиббиёт соҳасига хорижий инвестициялар жалб қилишни кенгайтириш, етакчи хорижий клиника ҳамда тиббиёт марказлари билан ҳамкорликда даволаш-ташхис муассасаларини ташкил этиш;

тиббий сугурта тизимини кенг жорий этган ҳолда, аҳолига давлат томонидан кўрсатилмаётган кафолатли бепул тиббий ёрдам билан бирга сифатли ва арзон маслаҳат-ташхис, даволаш, соғломлаштириш ва бошқа турдаги тиббий хизматлардан фойдаланиш учун қўшимча имкониятлар яратадиган пулли тиббий хизматлар бозорини жадал ривожлантириш;

илгор халқаро тажрибани инobatга олган ҳолда, хусусий тиббиёт соҳасида тиббий таъминнинг замонавий усул ва технологияларидан фойдаланиш асосида хусусий тиббиёт соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида сифатли ва самарали тизимни шакллантириш, хусусий тиббиёт муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, Ўзбекистон хусусий амалиёт врачлари ассоциациясининг хусусий тиббиёт муассасалари учун рухсат этилган ва тиббиёт соҳасида талаб юқори бўлган кардиожаррохлик, нейрожаррохлик, микрожаррохлик, онкология, эндокринология, кардиология, қон-томир, торакал ва абдоминал жаррохлик, урология ва бошқа тиббий фаолият турларини тубдан кенгайтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин, бунда тиббий фаолиятнинг аҳолининг ҳаёти, саломатлиги ва санитария-эпидемиологик ҳолатига катта хавф

туғдириши мумкин бўлган турларидан ташқари, барча тиббиёт турлари қамраб олинсин.

3. Тиббий фаолиятнинг аҳоли ҳаёти, саломатлиги ва санитария-эпидемиологик ҳолатига катта хавф туғдириши мумкин бўлган ва хусусий тиббиёт муассасалари учун таққиланган айрим турлари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантиришнинг асосий вазифа ва йўналишларига мувофиқ ишлаб чиқилган Хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, хусусий тиббиёт муассасаларида ташхис қўйиш ва даволаш, айниқса, жаррохлик амалиётини ўтказиш билан боғлиқ ҳолларда янги юқори технологияли усулларни жорий этиш фақат тегишли тиббиёт ускуналари, юқори малакали тиббиёт ходимлари мавжуд бўлганда ва санитария норма ҳамда қондаларига қатъий риоя этилгандагина рухсат этилади.

5. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат вазирлигининг 2017 йил 1 майдан соғлиқни сақлаш соҳасида кичик корхоналар ходимлари йиллик ўртача чекланган сонининг 100 кишигача бўлиши тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фойдаланилмаётган бинолар, объект ва хоналарни, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимида тугатилмаётган муассасаларнинг давлат мулки бўлган объектларини аҳолига тиббий хизматлар кўрсатадиган тадбиркорлик субъектларига "ноль" қиймати бўйича белгиланган тартибда сотишни таъминласин, бунда янги мулкдорлар инвестиция киритиш ва ижтимоий мажбуриятларни зиммасига олишига эътибор қаратилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига "Ўзмед-лизинг" ихтисослаштирилган лизинг компанияси устав капиталини қўпайтириш орқали, жумладан, хорижий инвесторлар маблағларини жалб этиш ҳисобидан тиббиёт муассасаларига замонавий юқори технологияли асбоб-ускуналар харид қилиш ҳажминини кенгайтириш ва лизингга бериш чора-тадбирлари тўғрисида аниқ таклифлар киритсин.

8. Аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатадиган (стоматология ва косметология хизматларидан ташқари) хусусий тиббиёт муассасалари, жумладан, хорижий инвесторлар иштирокидаги хусусий тиббиёт муассасалари 2022 йилнинг 1 январигача қуйидаги тўловлардан озод этилсин:

барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан, бунда бўшаган маблағлар хусусий тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий, муҳандислик-техник ускуналар билан жиҳозлаш, уларга сервис-техник хизмат кўрсатиш, тиббиёт мақсадлари учун эҳтиёт қисмлар, материаллар, инвентар ва бошқа буюмлар харид қилиш, тиббий хизматлар кўрсатиш учун янги бинолар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизматлар кўрсатишга йўналтирилсин;

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари! Америка халқи номидан Сизни, оилангизни ва бутун Ўзбекистон халқини Наврўз байрами билан табриклаш, бахт-саодат ва фаровонлик тилаш менга катта мамнуният бағишлайди. Ушбу янгиликни ва уйғониш айёмини Сизлар билан бирга қўллаб америкаликлар ҳам нишонлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиздан сўнг Сизнинг раҳбарлигингизда мамлакатнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва тараққиёт жараёни бизни ҳам мамнун этмоқда.

Америка халқи ва бизнес вакиллари Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришни янги йўналишлари бўйича изланмоқда. Наврўз муборак!

Самимият билан,

Дональд ТРАМП, Америка Қўшма Штатлари Президенти

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ПРЕЗИДЕНТИ ДОНАЛД ЖОН ТРАМП ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари! Сизга ва Сизнинг тимсолингизда бутун Америка халқига янгиликни, фаровонлик ва уйғониш фасли бўлган Наврўз байрами муносабати билан йўллаган самимий табрик ва эзгу тилақларингиз учун чин дилдан миннатдорлик изҳор этаман.

Сизнинг шахсий муносабатингизни юксак қадрлайман, Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, хусусан, мамлакатларимиз бизнес доираларининг яқин алоқаларини тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Ўзбекистон билан Американинг стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, айниқса, минтақавий ва халқаро тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги долзарб масалалар бўйича ёндашувларимизнинг муштараклиги мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли муносабатларни изчил ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилишига ишонаман.

Биз амалга ошираётган чуқур ва кенг қўламли ислохотларни юксак эътироф этганингиз учун Сиздан миннатдорман. Биз фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва аҳоли ҳаёт даражасини тубдан ошириш бўйича танлаган йўлимизни қатъий ва изчил давом эттираман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, Жаноб Президент, мустаҳкам сihat-саломатлик ва давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизга улкан муваффақиятлар, Америка Қўшма Штатлари халқига тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик тилайман.

Самимий ҳурмат билан,

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2017 йилнинг 4-5 апрель кунлари давлат ташрифи билан Россияда бўлади.

Россия раҳбарияти билан учрашув ва музокараларда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли масалалар, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, илмий-техник, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари атрофича муҳокама қилинади.

Давлат раҳбарлари минтақавий ва халқаро долзарб муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашадилар.

Олий даражадаги музокаралар яқунлари бўйича икки давлат Президентларининг Қўшма баёноти қабул қилиниши режалаштирилган.

Ташриф доирасида Ўзбекистон - Россия муносабатларини изчиллик билан ривожлантириш, ўзаро ҳамкорликни сифат ҳақида янги босқичга кўтаришга қаратилган ҳукуматлараро, идоралараро битимлар, тижорат шартномалари ва бошқа қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВЛАДИМИР ПУТИН ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Владимир Владимирович! Санкт-Петербург метросида рўй берган портлаш оқибатида инсонлар ҳалок бўлгани ҳақидаги хабар мени чуқур қайғуга солди.

Менинг чуқур таъзиямини қабул қилгайсиз. Ҳалок бўлганлар ва жабрланганларнинг оила аъзолари ва яқинларига менинг чуқур ҳамдардлигимни етказишингизни сўрайман.

Қайғу билан,

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

4-5 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президент Владимир Путиннинг таклифига биноан, давлат ташрифи билан Россия Федерациясида бўлади.

Икки томонлама ҳамкорликнинг чорак асрлик даври мобайнида мамлакатларимиз ҳар томонлама ва кўп қиррали муносабатларини ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришиш, ўзаро ҳамкорликнинг деярли барча йўналишини қамраб олган салмоқли шартномавий-ҳуқуқий заминини шакллантиришга муваффақ бўлди. Давлатларимиз ўртасида стратегик шериклик ҳамда иттифоқчилик муносабатлари руҳига монанд равишда турли соҳалар бўйича самарали мулоқотнинг механизмлари йўлга қўйилган.

Ўзбекистон ва Россиянинг ўзаро муносабатларини изчил ҳамда жадал ривожлантиришга қатъий тайёр эканлигини Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин амалий учрашув ҳамда мулоқотлар чоғида тасдиқладилар. Шунингдек, давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорлик кун тартибининг барча жабҳаси бўйича ишончли, очиқ мулоқотни чуқурлаштиришга ҳам қилишиб олдилар.

Шуни қайд этиш жоизки, ўзаро ҳурмат ва ишончнинг фундаментал тамойилларини ҳаётга татбиқ қилиш, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш, сиёсий, иқтисодий ҳамда гуманитар соҳаларда аниқ-равшан амалий натижаларга эришишни қўлаш узок истиқболга йўлланган яқин ҳамкорликнинг мустаҳкам кафолати ҳисобланади.

Икки мамлакат ўртасида юқори ва олий даражалардаги барқарор сиёсий мулоқот қўллаб-қувватланмоқда. Ҳар йили қабул қилинадиган ҳамкорлик ҳамда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар дастурлари доирасида ташқи сиёсат мақамлари халқаро ривожланиш ва минтақавий хавфсизликнинг долзарб масалалари юзасидан мунтазам равишда маслаҳатлашувлар ўтказилади.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср **саҳоси**
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз туманида "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури ижроси доирасида "Мулоқот маданияти - оилалар билан ишлашнинг муҳим омил" мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари, Шахрисабз туманидаги фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маъна-

вий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, хотин-қизлар, журналистлар иштирок этди.

• Нукусда БМТ Тараққиёт дастури ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг "Ўзбекистоннинг кургоқчил туманларида жойлашган фермер ва деҳқон хўжалиқларининг иқлимий барқарорлигини таъминлаш" лойиҳаси доирасида "Ўзбекистоннинг кургоқчил ҳудудларида жойлашган фермер ва деҳқон хўжалиқларида иқлим барқарорлигини таъминлаш" мавзусида семинар ўтказилди.

• Сирдарё вилоятидаги йирик sanoat корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида ўтказилган худудий sanoat ярмаркаси ва кооперация биржасида sanoat маҳсулотлари хариди ва ҳамкорликка оид 11,5 миллион долларлик ҳамда 175,5 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди.

ЖАҲОНДА

• Колумбия полицияси томонидан Испанияга йўл олган кемага яширинча орттилган 10 тонна микдордаги 200 миллион евролик кучли таъсир этувчи кокаин гиёҳвандлик моддаси топилди ва йўқ қилинди.

• Дубай шаҳри марказида бунёд этилаётган кўп қаватли осмонўпар бинода чиққан кучли ёнғинни жиловлash учун кўп сонли ўт ўчирувчилар бир неча соат давомида кураш олиб боришди. Бинодан бир минг икки юз киши хавфсиз жойларга кўчирилди. Бахтли тасодиф туфайли ҳеч кимга зарар етмади.

• Кейинги пайтларда террорчилик хавфининг кучайиб бориши муносабати билан Буюк Британияда атом электр станциялари ва аэропортларни кўриқлаш чора-тадбирлари кескин кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ХУСУСИЙ СЕКТОРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Савдо-иқтисодий алоқалар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда устувор ҳисобланади. Сир эмаски, Россия...

(Давоми. Боши 1-бетда) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб келинадиган янги тиббиёт асбоб-ускуналари, бутловчи буюмлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ва материаллари учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно).

дан бошлаб 10 йил муддатга ягона солиқ тўловидан озод этилсин. 10. Белгилаб қўйилсинки: хусусий тиббиёт муассасаларида ишлаш учун жалб этиладиган хорижий шифокорлар ва замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарига хизмат кўрсатадиган техник мутахассислар тузилган меҳнат шартномалари доирасида олиннадиган даромадлар бўйича жисмоний шахслар даромад солиғини тўлашдан озод этилади;

жумладан, хориждан сотиб олиш, бошлангич капитални шакллантириш, тиббий хизматлар кўрсатиш мақсадида бино ва иншоотлар харид қилиш учун узоқ муддатли имтиёзли кредитлар; аҳолига замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан, банк кредит карталари билан ҳисоб-китоб қилиш асосида хусусий тиббиёт муассасаларининг тиббий хизматларидан фойдаланиш учун истёмолат кредитлари тақдим этиш тасвиси этилсин.

ма ҳужжатларини расмийлаштиришда ёрдам кўрсатсин. 13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида таклифлар киритсин;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ХУСУСИЙ СЕКТОРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2017 йил 1 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантиришга ҳар томонлама қўмақлашиш, хусусий тиббиёт муассасаларининг аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиши учун зарур шароит яратиш мақсадида қабул қилинди.

ҳида эътиборга лойиқ. Хусусан, ушбу муассасалар 2022 йилнинг 1 январига қадар барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратимлар тўлашдан озод этилди. Алоҳида таъкидлаш лозимки, тақдим этилган солиқ имтиёзлари хусусий тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини сезиларли даражада мустаҳкамлаш имконини беради. Бўшаган маблағлар уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларга сервис-техник хизмат кўрсатиш, тиббиёт мақсадлари учун эҳтиёт қисмлар, инвентар ва бошқа буюмлар харид қилиш, янги бино ва иншоотларни қуриш ва мавқудларини реконструкция қилишга мақсадли йўналтирилади.

ларга уларнинг муҳандислик-коммунал инфратузилма объектларидан ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдаланишини эътиборга олган ҳолда, уларга ер участкалари, бино ва хоналар ажратилиш вазифаси топширилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига икки ой муддатда юридик ва жисмоний шахслар, жумладан, хусусий тиббиёт муассасаларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, хусусан, тиббий хизматларни, айниқса, қишлоқ-қойлар ва олис туманларда кўрсатиш учун ер участкаларини ажратилишда қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш топширилди.

Умуман олганда, мамлакатимизда тиббиёт соҳасининг хусусий сектори фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикасининг "Фўқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Қонунда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантириш кўзда тутилган. Хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизими фаолият юритилмоқда. Уларга барча турдаги солиқлар ва қатор мажбурий тўловлар, шунингдек, четдан олиб келинадиган янги тиббий асбоб-ускуналар учун божхона тўловларидан озод этиш бўйича имтиёзлар берилаётган.

Тақдим этилган солиқ имтиёзлари ҳисобидан тўхалган маблағларнинг бир қисми аҳолининг иқтисодий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизмат кўрсатишга йўналтирилди. Шундай қилиб, берилган солиқ имтиёзлари аҳолига давлат бир вақтнинг ўзida аҳолини манзилли иқтисодий ҳимоя қилиш билан бирга сифатли тиббий хизмат кўрсатишни кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича муҳим вазифаларни ҳал этади, шу билан бирга хусусий тиббиёт муассасалари зиммасига қўшимча молиявий харажатлар юкланмайди.

Хусусий тиббиёт муассасаларига кредит ажратиш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига "Ўзмед-лизинг" иқтисодлаштирилган лизинг компанияси устав капиталини қўлайтириш орқали, шунингдек, хорижий инвесторлар маблағларини жалб этиш ҳисобидан тиббиёт муассасаларига замонавий юқори технологияли асбоб-ускуналар харид қилиш ҳажмини кенгайтириш ва лизингга бериш чора-тадбирлари тўғрисида аниқ таклифлар киритиш топширилди.

Шунингдек, хусусий тиббиёт муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб келинадиган янги тиббиёт асбоб-ускуналари, бутловчи буюмлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ҳамда материаллари учун божхона тўловларидан озод этилади. Бунда мажбурий тиббиёт муассасаларининг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда янада кенгайтириш кўзда тутилган.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, қишлоқ қойларда ва чекка туманларда тиббиёт соҳасида хусусий секторни жадал ривожлантириш мақсадида қарорда қишлоқ қойларда тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида ташкил этиладиган янги микрофирмалар ва кичик корхоналар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 10 йил муддатга ягона солиқ тўловидан озод этилиши кўзда тутилган.

Тижорат банкларига хусусий тиббиёт муассасаларига замонавий тиббий асбоб-ускуналар, жумладан, хориждан сотиб олиш, бошлангич капитални шакллантириш, тиббий хизматлар кўрсатиш мақсадида бино ва иншоотлар харид қилиш учун узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш вазифаси юклатилди. Шунингдек, аҳолига замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, жумладан, банк кредит карталари билан ҳисоб-китоб қилиш асосида хусусий тиббиёт муассасаларининг тиббий хизматларидан фойдаланиш учун истёмолат кредитлари тақдим этиш тасвиси этилган.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, қарорда соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий сектор томонидан кўрсатилаётган хизмат турларини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Хусусан, айна пайтгача хусусий тиббиёт муассасаларига 177 турдаги тиббиёт хизматларининг атиги 50 тасига рўхсат этилган бўлиб, қолганлари таъкидланган эди. Маъзур қарорга биноан энди уларга тиббий хизматларнинг деярли барча турларини кўрсатишга рўхсат берилди.

Қарорда 2017 йил 1 майдан бошлаб соғлиқни сақлаш соҳасида кичик корхоналар хизматларининг йиллик ўртача чекланган сонини 25 кишидан 100 кишигача қўлайтириш тўғрисидаги тасдиқланган норма тиббиёт соҳасининг хусусий секторига бандликни кенгайтиришни рағбатлантириш имконини беради, хусусий тиббиёт муассасалари хизмат кўрсатадиган аҳоли сонини ошириш учун қўшимча имкониятлар яратди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, қарорда тиббиётнинг хусусий соҳасига, айниқса, юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш ва хорижий капитал иштирокида қўшимча тиббиёт муассасалари ташкил этиш орқали илгор халқаро тажрибани жорий этишни кенгайтиришга доир чора-тадбирлар кўзда тутилган. Маъзур қарорда хусусий тиббиёт муассасаларида ишлашга жалб этиладиган хорижий шифокорлар ва замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарига хизмат кўрсатадиган техник мутахассислар тузилган меҳнат шартномалари доирасида олиннадиган даромадлар бўйича жисмоний шахслар даромад солиғи ҳамда ягона иқтисодий тўловлардан озод этилиши белгиланган.

Рўхсат этилган тиббий хизмат турларига кардиожаррохлик, нейрожаррохлик, микрожаррохлик, онкология, анестезиология ва реаниматология, гелимнология, интервенцион кардиология, иммунобиология ва иммунофермент ташхис қўйиш, қон-томир, торакал ва абдоминал жаррохлик ва тиббиёт соҳасида талаб юқори бўлган бошқа йўналишлар киритилди.

Қарорда мустақиллик йилларида ушбу соҳа учун биринчи марта ишлаб чиқилган Хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланган ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Маъзур дастурда хусусий тиббиёт муассасаларини ҳар томонлама рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини барча йўналишларини қамраб олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигига хусусий тиббиёт ташкилотларида ишлаш учун жалб этиладиган хорижий шифокорлар ва тиббиёт асбоб-ускуналарига хизмат кўрсатадиган техник мутахассисларга Ўзбекистон Республикасига кириш ва яшаш учун рўхсатнома ҳужжатларини расмийлаштиришда ёрдам кўрсатиш топширилди.

Масълумки, ҳар икки мамлакат ёқлиги-энергетика соҳасида катта салоҳиятга эга. Бугунги кунда "Лукойл" ҳамда "Газпром" сингари етакчи энергетика компаниялари Ўзбекистонда углеводород конларини қидириш ва ўзлаштириш ишларини олиб бормоқда. Бухоро вилоятида "Ўзбекнефтьга" Миллий ҳолдинг компанияси ва "Лукойл" компаниясининг қўшма лойиҳаси - Қандим газни қайта ишлаш мажмуининг қурилиши бошлангани бу жабҳадаги самарали ҳамкорликнинг натижаси бўлди.

Жорий йил 29 март кунин "Газпром" компанияси бошқаруви раиси Алексей Миллер мамлакатимизга амалий таширф билан келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусқўжаев зиммасига юклансин.

Шу билан бирга, ахборот технологиялари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, фармацевтика сингари соҳаларда ҳам ўзаро манфаатли алоқалар ривожланиб бормоқда. Бунда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон - Россия ҳукуматлари комиссиясининг хизмати катта бўлмоқда. Маъзур комиссиянинг сўнгги йиғилиши жорий йил 15 февралда Тошкентда бўлиб ўтган эди. Тадбирлар доирасида давлатимиз раҳбари Россия Федерацияси Ҳукумати раисининг ўринбосари Дмитрий Козакни қабул қилди. Тошкент иқтисодиётнинг турли жаҳалларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишларини янада диверсификациялаш мақсадларини муҳокама этди, шунингдек, ҳукуматларга комиссиянинг икки мамлакат компаниялари ўртасида узоқ муддатли амалий алоқаларни ўрнатилиш ва янги қўшимча дастур ҳамда лойиҳаларни илгари суришда тугадиган муҳим ўринни таъкидлади.

Буларнинг натижаси ўларок, Ўзбекистон ва Россия минтақалари ўртасида янги ўзаро алоқалар йўлга қўйила бошлангани мисол сифатида келтириш мумкин. Бу муносабатларимизда амалий, сезиларли натижаларни қўзғатган яна бир ўзига хос саҳифадир. Масалан, жорий йилнинг феврал ойида Новосибирск вилояти делегацияси Ўзбекистонда бўлди. Юртимизда олиб берилган музоқаралар якунали бўйича томонлар 2017 - 2019 йилларда "Ўзгазроспорт - Сибирь" савдо уйи орқали Сибирь федерал округига йил давомида мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб беришни ташкил қилиш тўғрисида битимни имзолади.

Тошкент, Самарқанд, Наманган ҳамда Андижон вилоятлари делегацияларининг Россиянинг 8 та субъектига амалга оширилган жавоб таширфлари, ишбилармон донорларнинг "B2B" (business-to-business) шаклида ўтказган учрашувлари икки мамлакатда улкан салоҳият мавқудлигини тасдиқлади. Экспертларнинг фикрича, бундай алоқаларнинг самаралари яқин ойларида буй кўрсата бошлайди.

Шуни айтиш керакики, бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам ўзаро манфаатли алоқалар кенгайиб бормоқда. Бунда асосан, Ўзбекистон ва Россиянинг йирик тиббиёт муассасалари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисидаги битимлар имзолангани муҳим омил бўлди. Уларга мувофиқ, тажриба алмашиш учун мутахассисларнинг икки томонлама таширфлари ташкил этилмоқда, маҳорат машғулотлари, конференциялар ўтказилмоқда, қўшимча лойиҳалар олиб борилаётган. Икки мамлакатнинг иқтисодлаштирилган жаррохлик, кардиология, шошлиқнинг тиббий ёрдам марказлари ҳамда тиббиёт олий ўқув юртилари ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатилган.

Маданият-гуманитар алоқаларнинг бошқа йўналишларида ҳам ўзаро ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Масалан, Тошкентда М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И. Губкин номидаги Россия нефть ва газ университети филиаллари муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори Виктор Гришин улкан хизматлари учун "Дўстлик" ордени билан мукофотланди.

Маъзур олий ўқув юртилари иқтисодиёт ва илм-фаннинг турли йўналишлари учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш билан бирга, мамлакатларимизни бир-бирига яқинлаштиришга ҳам қўмақлашяпти. Ўзбекистоннинг барча соҳа ҳамда тармоқларда фидокорона меҳнат қилаётган, кўп миллатли давлатимиз раънақи ва гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшаётган рус миллатига мансуб салкам 900 минг нафар фўқаро ҳам халқларимизни бирлаштириб турадиган муҳим омиллардан саналади.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, 2017 йилнинг октябрида Россияда Ўзбекистон маданияти кўнрали ҳамда мамлакатимизда Россия киноси ҳафталигини ўтказиш иштирокчилари Россия Федерацияси маданият вазири Владимир Мединский ҳамда Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Маъмуржон Муратов ўртасида яқинда Москва шаҳрида бўлиб ўтган учрашув чоғида қўриб чиқилган эди. Музоқараларда вазирлар раҳбарлари маданий аҳамиятга молик бўлган муҳим воқеани - Игорь Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи тўпламидан жой олган санъат асарларининг 6 - 10 апрель кўнрали Москвада бўлиб ўтадиган кўрғазмасини ҳам муҳокама қилдилар.

Россия Федерацияси Президентининг халқаро маданий ҳамкорлик бўйича махсус вакили Михаил Швидкий жорий йил 28 март кунин Ўзбекистонга таширф чоғида Нукус музейи коллекциясидан "Амалий санъатнинг ноҳир ёдгорликлари, ўзбек, қорақалпоқ ва рус авангард расмларининг ноҳиб давлат санъат музейи дундорлари, қорақалпоқ халқининг беоназир этнографик асарлари ҳамда жуда қизиқарли археология озориятликлари жой олганини ва бу, албатта, Ўзбекистон ҳамда Россия олдига янги иштирокчилар ва имкониятлар эшиги очилганини раъми" эълонини таъкидлади.

Шунингдек, М. Швидкий Тошкентда бўлган чоғида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳақида Рус тили марказининг очилиши ҳамда шунингдек, Маъзур марказда адабий ҳамда шеърлик кечалар, танловлар, талабалар учун семинар ва ўқув курслари ўтказилди.

Шу кўнрада Москвадаги "Мода музейи" музей-кўрғазмаси марказида "Анор гулганлари..." Ўзбекистон аъёнларининг ворислари" мавзудаги кўрғазма очилган. Ушбу хос нақшидорлик ҳамда ранг-барангликни юк қилган адирга эътиборландирган тўқимачилик дастохини асосий экспонат бўлди. Ана шу ва икки томонлама аҳамиятга молик бошқа тадбирлар халқларимизнинг маданий жиҳатдан бир-бирини ўзаро бойитиши нукта назаридан муҳимдир.

Г. НУРЖОНОВА, "Ҳаҳон" АА

Умр мазмуни

ГУЛЛАРГА ОШУФТА КЎНГИЛ

Бугун биз катта ҳаётӣ тажрибага эга инсон, камтарлиги, одамхунлиги, меҳрибон ва меҳнаткашлиги билан катта-кичик меҳрини қозонган, гулу чечаклар илмини сун қилиб ичган инсон - Лазокат опа Исломованинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.



Тошкент шаҳрида туғилган, ёшлигидан жуда тиришқок бўлган қизалоқ гуллар ва дарахтларга меҳр қўйди. Уларни парвариш қилиш, сугориш, экиш, бутун атрофини гулзору чаманзорга айлантириш, унинг хушбўй ифолларини таратиш, бутун оламга гўзаллик улашиш орзусига айланди. Мана шу хайрли ният йўлида мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, Қишлоқ хўжалиги институтининг агрохимия ва тупроқшунослик факультетига ҳужжатларини топширди. Талабалик йиллари елдек ўтиб, у 1973 йилда институтни муваффақиятли тамомлаб, меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасида агроном вазифасида бошлади. Табиатан одамларга, атроф-муҳитга, гулларга меҳр қўйган Лазокат опа ўзининг бор билими ва куч-ғайратини шаҳримизни жаҳон андозаларига мос даражада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, боғ ва гулзорлар барло этилишига сарф этди. 1989 йилдан Ободонлаштириш бош бошқармасида бош агроном вазифасида фаолият олиб борар экан, унинг ташаббуси билан пойтахт кўчалари, хиёбонлари, чорраҳаларида янги ландшафт дизайни услубида гулзорлар, гулхоналар чирой очди. Янгида янги гул навларини татбиқ этиш натижаси ўлароқ шаҳарда экиладиган гуллар тури 20 хилдан 60 хилгача кўпайтирилди. Шу билан бирга шаҳарнинг марказий кўчалари ва хиёбонларига ноб ҳаёт дарахт кўчатлари - эман, каштан, инсон саломатлигига зарур бўлган фитонцидлар чиқарадиган янги бағрли дарахтларнинг кўпроқ экилишига ҳисса қўйди. Тиниб-тинчимас, ўз ишига сидқидилдан киришган бош агроном нафақат

шаҳримизнинг обод ва гўзал бўлишига, балки республикадаги барча вилоятларда олиб борилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида ҳам фаол қатнашди. - Ҳаётимни, ўз билимим ва иқтидоримни мана шу - яратиш ва яшнатиш, бутун оламга гўзаллик улашиш, инсонлар кўнглида меҳр-муҳаббат, ҳаётда янги орзу-умидлар уйғотадиган касбга бағишлаганимдан бахтиёрман, - дейди биз билан суҳбатда Лазокат опа. - Умрим давомида нимагаки эришган бўлсам, барчаси гулларга, дов-дарахтларга, бутун табиатга бўлган меҳрим туфайлидир. Шу касбда ишлаб хўрамат-эъозга, давлат мукофотларига сазовор бўлдим. Утган йиллар мобайнида "Шахидлар хотираси" мажмуаси, "Хотира ва кадрлаш" комплекси, "Болалар ижодиёт уйи", Мустиқиллик майдони, Олий Мажлис Сенати биноси каби қатор эътиборга молик масканлар атрофини ободонлаштириш, ўзига хос тарзда бетакрор ландшафт услубида гўзаллик яратиш ишларида бош бўлдим, янги-янги гул навларини етиштириб бундан ўзим ҳам завқ олдим. Касбим тақозоси билан Франция, Хитой, Голландия, Россия каби қатор хориж давлатларида бўлиб, уларнинг илгор иш тажрибаларини ўзимизда татбиқ қилишга, ўқиб-ўрганишга интилдим. Уйланимни, ҳар бир аёл учун ўз севимли иши, меҳр-муҳаббатли оиласи, жондан азиз фарзандларидан ортиқ бахт бўлмаса керак. Мен мана шундай бахтга эришган аёлман. Тақдиримдан, аёлларга кўрсатиладиган хўрамат эъоздан беҳад миннатдорман.

Биз камтаринлик билан секингина жилмайиб 45 йиллик меҳнат фаолияти, гулу чечаклар ҳақида тўлиб-тошиб, мароқ билан эслаб, ички бир ғурур билан сўзлаётган суҳбатдошимизнинг фикрини бўлмасдан узоқ суҳбатлашдик. Кўнглимиздан қани энди ҳамма ҳам ўз касбини шундай сева олса деган фикрлар ўтди. Ва шундай хулосага келдикки, Лазокат опа билдимон, малакали мутахассис, зиёли инсон сифатида барчага ўрнақдир. У ўтган йиллар давомида жамоада катта хўрамат-эътиборга сазовор бўлиш билан бирга кўплаб шогирдларни етиштириб, уларга ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, гул-чечаклар, дарахтлар парвариши сирларини ўргатган. Лазокат опанинг жонқуярлиги, ўз касбига фидойилиги, меҳнатдаги муваффақиятлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирлиб, 1997 йилда "Шухрат" медали, 2002 йилда "Меҳнат шухрати" ордени каби юксак мукофотларга сазовор бўлган. Шу кунларда Лазокат опа Исломова табаррук 70 ёшни қарши олмоқдалар. Фарзандлари - олий тоифали шифокор Ситора Мўминова, устоз-мураббий Сайёра Тожиева ва бир-биридан ширин набиралар даврасида кесалик гаштини суриб, Дориломон кунларда шўкрона айтиб умргузаронлик қилмоқдалар. Биз фурсатдан фойдаланиб ҳали ҳамон орамизда ёрдамга тайёр турган, меҳнат қилиб чарчамаган, кунюқач онахонимизнинг умрлари узоқ бўлишини, эл назаридан қолмасликларини чин дилдан тилаб қоламиз. Шайра МУҲАМЕДОВА Исрол Исмоилов олган сурат

Сўраш, жавоб берамиз

Хонадон эгаси ўзига тегишли бўлган мулкни сотмоқчи бўлганида, мазкур уйда доимий рўйхатда турувчи воёга етмаган шахсларнинг ҳам розилиги олинмади? 3.Абдуллаев, Яшнобод тумани Мулк эгаси ўзига тегишли уйни сотаётганида мазкур хонадонда доимий рўйхатда турувчи воёга етмаган шахсларнинг розилиги олинмади. Оила кодексининг 24-моддасига асосан кўчмас мулк (ниҳоҳ даврида олиниб) эр(хотин)нинг номига расмийлаштирилган бўлса, хотин (эр)нинг нотариал тасдиқланган розилиги олинди. Бироқ, хусусийлаштирилган уй-жойнинг олди-сотди шартномаси тасдиқланаётганда уй эгаси билан биргаликда яшовчи воёга етган оила аъзоларининг нотариал тасдиқланган розилиги олинди. Воёга етмаган оила аъзоларининг манфаатларини уларнинг ота-оналари, улар бўлмаган тақдирда васийлик ва ҳомийлик идоралари ҳимоя қилади.

Мен автотранспорт воситасини сотиш ҳуқуқи билан ишончнома олмақчи эдим. Автотранспорт воситаси отанинг номида, аммо у ногиронлиги сабабли ишончномани имзолай олмайди. Ушбу ишончномани расмийлаштириш учун нималар қилишим лозим? К.Обидов, Юнусобод тумани Автотранспорт воситасини сотиш ҳуқуқи билан ишончномани тасдиқлаш вақтида ишонч билдирувчи ногиронлиги туфайли ишончномани ўз қўли билан имзолай олмас, унинг илтимосига кўра ишончномани бошқа шахс имзолаши мумкин. Бу ҳолда ишонч билдирувчининг ўз қўли билан ишончномани имзолай олмаслигининг сабаблари ишончноманинг тасдиқловчи ёзувида кўрсатиб ўтилади.

Бизга қолган мерос бир неча мол-мулкдан иборат, меросхўрлар қандай тартибда мулкни бўлиб олиши мумкин? М.Макидова, Шайхонтоҳур тумани Мерос мулк бир неча мол-мулклардан иборат бўлган ҳолларда, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш вақтида Фуқаролик кодексининг 1150-моддасига асосан меросхўрларнинг талабига ва уларнинг келишувига кўра, ўзларига тегишли улушларига мувофиқ нотариус улар ўртасида мерос мулкни тақсимлаш шартномасини расмийлаштириши мумкин. Келишувга эришилмаган тақдирда эса мерос мулкни бўлиш суд тартибидан амалга оширилади. Сultonmurod УТАУЛИЕВ, Бектемир туманидаги 2-сонли ДНИ нотариуси

Менга берилган ишончнома орқали ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш мумкинми? Ж.Ҳамидов, Олмазор тумани Ишончнома берилган шахс ўзи ваколатидagi ҳаракатларни шахсан амалга ошириши шарт. Ваколатларнинг бошқа шахсга берилишига асос бўлган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 136-, 137-, 138-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бошқа шахсга ўтказиш бўйича берилган ишончноманинг амал қилиш мuddати унинг берилишига асос бўлган асосий ишончноманинг амал қилиш мuddатидан ошиб кетиши мумкин эмас. Ваколатларни бошқага берган шахс ишончнома берган шахсга бунини маълум қилиши ҳамда мазкур шахс ва унинг яшаш жойи тўғрисидаги зарур маълумотларни хабар қилиши керак. Мазкур бурчлар бажарилмаса, ўз ваколатларини бошқага берган шахс ундан ваколат олган шахснинг ҳаракатлари учун худди ўзининг ҳаракатлари каби жавобгар бўлади.

Бундан бир ой аввал квартира харид қилиб нотариал тартибда расмийлаштириганим, квартира иш жойимга узоқлиги сабабли олди-сотди шартномасини бекор қилмоқчиман. Бунинг учун нима қилишим керак? А. Шарипова, Яққасарой тумани Олди-сотди шартномасини бекор қилиш учун икки тараф олди-сотди шартномаси расмийлаштирилган нотариал идорасига бориб шартномани бекор қилиш ҳақида ариза беришлари лозим. Шундан сўнг олди-сотди шартномасини бекор қилиш тўғрисида шартнома тузилади.

Агар умрбод таъминлаш шартин билан уй бир фуқарога берилса, у ҳолда олувчининг мажбуриятлари нималардан иборат бўлади? Д.Қаюмова, Сергели тумани Умрбод таъминлаш шартин билан уй, хонадон, уйнинг ёки хонадоннинг бир қисмини олувчи, умрбод таъминлаш шартин билан уй, хонадон, уйнинг ёки хонадоннинг бир қисмини берувчининг умрбод озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш, овқатлантириш, парвариш, уй-жойни доимий равишда таъмирлаш ишларини олиб бориш, ҳамма солиқлар ва коммунал тўловларни тўлаш шартин билан уй-жойни бутунлигича фойдаланиш мажбуриятини олади. Қодир БУРЛИЕВ, Учтепа туманидаги 2-сонли ДНИ нотариуси

ВАТАН ҲИМОЯСИ - МУҚАДДАС БУРЧ

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидagi Тошкент бирлашган техника мактабида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига ҳарбий техник мутахассислар тайёрлаш бўйича янги ўқув босқичининг тантанали очилиш маросими ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, ташкилот тизимидаги ўқув муассасаларида жумладан, Тошкент бирлашган техника мактабида ҳар йили Ўзбекистон Қуролли Кучларига етук мутахассислар тайёрлини берилмоқда. Шу ўринда ташкилот тасарруфидagi ўқув спорт техника клублари қoшидаги ҳарбий амалий аҳамиятга эга бўлган секция ва тўғарақлар жалб этилган ўсмир-ёшларнинг бу спорт турларига қизиқишлари уларнинг Ватанимизнинг етук, баркамол ҳимоячилари бўлиб етишишларига ишонч билдиради. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" Марказий Кенгашининг бўлим бошлиғи Т.Арслонов, "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси А.Мақсудов, Тошкент бирлашган техника мактаби бошлиғи А.Жумаев ва бошқалар мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида ҳарбий хизмат ёшларимиз учун шон-шаараф ишига айлангани, амалдаги синовлардан муваффақиятли ўтган, ҳар жиҳатдан етук йигитларгина саралаб хизматга жўнатилаётганини таъкидлади. Ватан ҳимоясига нафақат мард, жасур ва кўрмас, балки юртимизда етишиб чиққан буюқ саркардалар, алломалар ва мутафаккирлар авлодидан эканлигини, бизнинг миллатимиз, халқимиз ўзининг бой тарихига эга эканлигини билиши шарт. Айнан шу мақсадда

мактаб қoшида "Шонли Ватан тарихи" музейи фаолият кўрсатмоқда. Мазкур музей бизга тарихимиз, буюқ саркардалар ва мутафаккирларимиз тўғрисида маълумот беради. Музейга нафақат муассаса, балки бошқа ташкилотлар, академик лицей, касб-хунар коллежи, мактаблардан ўқувчилар ташриф буюришади ва маънавий озуқа олиш имконига эга бўлишади. Тадбир давомида айтилган тилак ва истаклардан руҳланган курсантлар номидан Одилжон Қосимов сўзга чиқиб, ҳарбий техник мутахассисликларини мукамал ўрганиб, мактабда яратилган барча шарт-шароитлардан - тренажер заллари, замонавий кутубхона, компьютер хона, техник ва амалий спорт турлари секцияларидан унумли фойдаланиб, Қуролли Кучлар сафида намунали хизмат қилиш, Ватан ҳимоясига бўлиб етишиш мақсадлари эканини фахр билан айтиб ўтди. Мазкур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислохотларни жойларда тушунтириш, ёшларни, айниқса ҳарбий хизматга қақирилувчи ёшдаги фуқароларни ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тарбиялаш, замонавий, ҳарбий аъналарнинг тарғиб этиш ҳамда ёшларни Ватанга бўлган муҳаббат ва гурур ҳиссини янада оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Зиёда РАСУЛОВА

Мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинади.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга экани мустаҳкамлаб кўйилган. Бугунги глобаллашув даврида баркамол авлодни тарбиялаш ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда. Албатта, боланинг жисмонан ва руҳан соғлом, бекамун кўст улғайишида ота-онанинг ўрни беқиёс. Фарзанд тарбияси учун ота-онанинг масъул эканлигини унутмаслик лозим. Сергели тумани Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими томонидан бошқа ҳамкор ташкилотлар билан ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларни оилага тайёрлаш, никоҳнинг муқаддас эканлигини тушунтириш борасида бир қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Туманининг "Иттифок" маҳалласида бўлиб ўтган тадбирда ҳам шу жиҳатларга алоҳида тўхталиб ўтилды. Мустаҳкам оиладагина фарзандлар бекамун кўст камол топади. Келгусида жамият тараққиётига муносиб хисса қўшадиган инсон бўлишида ота-онанинг тарбияси муҳим, фарзандларимиз бахту саодатига бу муътабар зотларнинг моддий ва маънавий кўмаги, меҳри ҳамда эътибори ниҳоят зарурлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Афсуски, гоҳида оилада буладиган, жанжаллар, бир-бирини тушунмаслик, ўзаро меҳр-оқибат, хўраматнинг йўқлиги, ота-онанинг ажралиб кетиши фарзанд тарбиясига, уларнинг руҳияти ва яшаш тарзига салбий таъсир этиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Маҳаллалардаги учрашувларда ажрашган оилаларда тарбияланаётган фарзандлар тақдирини, улар учун алимент тўлаш, алимент ундирувидаги қарздорлик масалаларини ҳал этиш, бу борадаги ижро ҳужжатлар ижросининг мuddатида тўлиқ ва сифатли бажарилиши бўйича ҳамкорликни ошириш зарурлиги ўқтирилмоқда. Мустаҳкам оила - жамият пойдевори эканлигини яна бир бор таъкидлаш мақсадида ўтказилган учрашувда маҳаллаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига қўл ўрган фуқароларга ёрдам кўрсатиш, бандликка кўмаклашиш бўлимлари билан ҳамкорликда ишчи-юрган фуқароларни ишга жалб қилиш масалалари муҳокама қилинди. Умида ЖАЛИЛОВА, Сергели тумани ФХДЭ бўлими мудираси

Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! 2017 йил 8 май кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 21-уйда бўлиб ўтadиган такрорий аукцион савдоларига қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда. ФИБ Миробод туманлараро судининг 13.01.2016 йил №1-258/16-сонли ижро варақасига асосан Бектемир т. СИБ томонидан хатланган: 2001 й/и/ч, д/р белгиси 01/685LCA, қизил металл раангли, Бектемир тумани, Х.Бойқаро кўчаси, 2-уйда сақланаётган "NEXIA" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 15 891 000 сўм. Тошкент вилоят судининг 15.10.2007 йил №2-152/07-сонли ижро варақасига асосан Олмазор т. СИБ томонидан хатланган: 1987 й/и/ч, д/р белгиси 30D1008, хўл асфальт раангли, "Истемолда бўлган транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлар Сергели" МЧЖда сақланаётган "Даймербенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 15 981 000 сўм. Тошкент шаҳар Сергели туман судининг 08.01.2013 йил №1-01/13-сонли ижро варақасига асосан: 1996 й/и/ч, д/р белгиси 10E0129, хаворанг, "Автомобил хаваскор Авзал-файз" ДПда сақланаётган "Тико" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 4 185 000 сўм. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 26.12.2013 йил №1-51/2014-сонли ижро варақасига асосан: 1994 й/и/ч, д/р белгиси 01D645DA, хаворанг, "Auto Plaza Service" МЧЖда сақланаётган "BA3-21099" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 8 569 000 сўм. 2017 йил 30 июнь кунини соат 11:00 да ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 16 февралдаги ҳукми асосида берилган ЖХС-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд департаменти томонидан хатланган қўйидаги мулклар такроран аукцион савдосига қўйилмоқда. 1. 1984 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10BE429, двигатель 60199, кузов рақами самосвал, "хакки" раангли, носоз ҳолда, бўлган КамАЗ-5511 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 30 283 200 сўм. 2. 1981 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10BE430, двигатель 60941, кузов рақами самосвал, олов раангли, носоз ҳолда, бўлган КамАЗ-5311 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 23 584 500 сўм. 3. 1991 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10BA712, двигатель 812046, кузов рақами контейнеровоз, "пушти" раангли, носоз ҳолда, бўлган КамАЗ-5320 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 29 367 000 сўм. 4. 1984 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10 AZ 010, двигатель 696772, кузов рақами контейнеровоз, сарик раангли, носоз ҳолда, бўлган КамАЗ-55102 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 25 272 000 сўм. Автомобил автотранспорт воситаси сақланаётган жой: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор маззе кўчаси, 3. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни хар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризалар савдодан 1 (бир) иш кунини олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган зақалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда хар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотининг "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz. Маълумот учун телефон: +99898 305 11 81 Гувҳоннома 5477

